

Бити्रувчиларнинг Якуний давлат аттестациясига тайёргарлик борасида амалга оширилган ишлар ва олдинда турган вазифалар

(маърузачи Тешаев О.Р.)

Тошкент Тиббиет Академиясида Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисидаги қонун», «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури», «Соғлиқни Сақлашни ислоҳ қилиш» давлат дастурлари асосида битириувчиларнинг ихтисослик бўйича тайёргарлик даражаси сифатини оширилишига, баркамол, етук ва салохиятли кадрларни тайёрлашга катта эътибор берилмоқда.

Академияда олиб борилаётган ислоҳотларнинг таълим сифатига таъсирини битириувчиларнинг Якуний Давлат Аттестацияси натижалари бўйича ҳам таҳлил қилиш мумкин.

Бакалавриатуранинг барча йўналишлари ва магистратура мутахасисликлари бўйича Якуний Давлат аттестацияси Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим, ҳамда Соғлиқни Сақлаш вазирликлари томонидан 2009 йилда тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Тиббиёт Олий ўқув юртлари битириувчиларининг якуний давлат аттестацияси тўғрисида “**НИЗОМ**” асосида ўтказилади.

Якуний давлат аттестациясида даволаш - 261 (шулардан 93таси грант асосида), тиббий-педагогика – 114 (42 та грант), тиббий-профилактика – 109 та (45та грант), ОМХ – 87 (32 та грант), ҳарбий тиббиёт – 34 та грант асосида битириувчи мавжуд жами бакалавриат таълим йўналишлари бўйича 605 нафар талаба битиради. (илова 1).

Магистратура мутахассисликларида 2 ва 3- босқич битириувчилари умумий сони 235 нафар бюўлиб улардан 62 нафари давлат гранти асосида тахсил олган, клиник ординатурада эса 108 нафардан 28таси грант асосида тахсил олган. Жами бу йилда 343 нафар тор мутахассислар битиришади.

Йўналишлар бўйича ЯДА раислари таркиби ЎзР ОЎМТВ, Соғлиқни Сақлаш Вазирлиги ва Тошкент тиббиёт академияси буйруқлари асосида тасдиқланади. Бугунги кунда вазирликга барча бакалавриат йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича ЯДА раисларига номзодлар берилган. Ҳар бир таълим йўналиши ва магистратура мутахассисликлари “Давлат аттестацияси комиссия”лари таркиби тузилган, буйруқлар расмийлаштириш босқичида.

ЯДА ўтказилиши бўйича жадвал таълим йўналишлари, ЯДА босқичлари ва гурухлар кесимида ишлаб чиқилмоқда.

Барча йўналишлар бўйича Якуний давлат аттестациясига битириувчилар хужжатларини тайёрлаш бўйича секретарият тузилган ва улар фаолият кўрсатмоқда.

ЯДА барча бакалавриат йўналишлари бўйича 2 турдаги синовлардан иборат бўлади:

1. «Ўзбекистон тарихи» ва «Миллий истиклол гояси: тушунча ва тамойиллар» фанлари бўйича ЯДА, академия илмий кенгаши қарорига биноан тест синовлари тарзида ўтказилади.

2. Мустахассислик бўйича ЯДА 2 босқичда ўтказилди: 1-боскич – тест назорати; 2-боскич – ОСКИ.

3. Тиббий педагогика факультети битирувчилари яна бир ихтисослик фани, яъни “Дарс бериш услуби ва педагогик технологиялар” фанидан тест синовлари топширишади.

Якуний давлат аттестациясини юқори савияда ўтказиш учун академия раҳбарияти ва бўлимлари олдига қуидаги вазифалар қўйилади:

Маъмурият: Академия бўйича ЯДА ўтказиш тартиби ва аттестация комиссиялари таркиби тўғрисидаги буйруқни барча таълим йўналишларига тақдим этиши; ЯДА синовларининг саволлар тўпламини кайта кўриб чиқиши, тўлдириши ва экспертиза қилиши;

Синов турлари ва дастурларини Илмий Кенгашда тасдиқлаш. Тест синовлари ва ОСКИ имтихонларини ошкора ва адолатли ўтказилишини таъминлаш чораларини кўриш.

Факультет деканларига:

- Битирувчиларнинг ЯДА учун хужжатларини кирил ва лотин ёзувларида тайёрлаш;
- “Имтиёзли” дипломга давогарлар рўйхатини тузиши;
- Аттестация ўтказиладиган заллар, асбоблар, норматив хужжатларни етарли миқдорда тайёрлаш ва кўпайтириш;
- Хар бир якуний аттестация комиссияси раислари учун маҳсус хужжатлар тўпламини тайёрлаш;
- ЯДА раислари билан битирувчилар учрашувини ташкиллаштириш;
- Битирувчиларнинг семестр бўйича якуний аттестациясини ўтказиш. Узрли сабабларга кўра қарздор талабаларга фанларни ўзлаштириши учун шароит яратиш;
- Кафедралар билан биргаликда 1 майдан бошлаб УАШ кафедралари қошида мунаъзам жадвал асосида консультациялар ташкил этиши;

Кафедра мудирларига:

- УАШ кафедралари мудирлари ўз базаларида барча битирувчи курс кафедралари вакиллари иштирокида консультациялар ташкил этиши, бунда тажрибали педагогларни жалб этиши ва аудиториялар ажратиш;
- ОСКИ саволлари, баҳолаш мезонлари ва асбоб – анжомларни тайёрлаш.

Илова 1.

Тошкент тиббиёт академиясининг 2016-2017 ўқув йили битирувчиларининг сони

| № | Факультет | Талабалар контингенти | | |
|------------------------------|---------------------|-----------------------|------------|------------|
| | | Гранит | Контракт | Жами |
| 1 | Даволаш | 93 | 168 | 261 |
| 2 | Тиббий педагогика | 42 | 72 | 114 |
| 3 | Тиббий профилактика | 45 | 64 | 109 |
| 4 | ОМХ | 32 | 55 | 87 |
| 5 | Харбий тиббиёт | 34 | - | 34 |
| Жами: | | 246 | 359 | 605 |
| 6 | Магистратура | 62 | 173 | 235 |
| 7 | Клиник ординатура | 28 | 80 | 108 |
| Академия бўйича жами: | | 336 | 612 | 948 |